# МАНСАБ КЎПРИГИДАН КИБРОНА ЎТМАНГ...

(Боши 1-бетда).

зиммасига олди. Энди муштипар онанинг қувончини бир кўрсангиз эди...

Ургут туманидаги «Меҳнатобод» жамоа хўжалиги аъзоларидан вилоят ҳокими номига тушган аризада қишлоқларни табиий газ билан таъминлаш асоссиз равишда пайсалга солинаётгани билдирилган эди. Бу сафар ҳам масалага объектив ёндошилди. Хўжаликни газлаштириш учун қўшимча манбаалар ҳисобидан 20 миллион сўм маблағ ажратилди. 4 километр узунликдаги газ қувурларини тортиш, улаш ишлари бошлаб юборилди.

Булар янги ҳокимнинг қабуллари қандай натижа бераётганлиги, оддий фуқаролар билан муносабатлари кўпроқ амалий аҳамият касб этаётганлигидан бир нишона, холос.

Бироқ холисона айтадиган бўлсак, олис Қўшработдан, Каттақўрғон ёки Иштихондан вилоят ҳокими ҳузурига келган кишини тинглаб, ўша ҳуддудаги идоралар раҳбарларининг беғамлигига, расмиятчилигига, ўзига бино қўйиб, халқдан узилиб қолганига таассуфланмай илож йўқ. Ахир фуқаронинг ишсиз қолиб оиласини боқолмай колгани, фермернинг ерга эгалик ҳуқуқи тан олинмаётгани, қонун поймол этилаётгани, қурилиш-ободончилик ишлари тўхтаб қолгани, мактаблар иситилмаётгани, болалар боғчалари ёпиб қўйилгани учун ким жавобгар? Биринчи навбатда жойлардаги ҳокимлик, бошқарув ва маъмурий идоралар раҳбарлари эмасми? Бугун Гўзалкент, Нуробод, Оқдарё, Ургут, Челак туманларида янги иш ўринларига кучли эҳтиёж туғилмоқда. Ишсизлар кўпаймоқда. Қишлоқлар инфратузилмаси ҳали жуда кўп ўзгаришларга муҳтож. Демак, кўп масалаларни жойида ҳал этиш керак. Бунинг учун эса жойлардаги раҳбарлардан зарур малака, ташаббускорлик ва куйинчаклик талаб этилмоқда. Вилоят ҳокимининг фикрича, бирорта раҳбар ошкораликдан, халқ олдида ҳисоб беришдан четда қолмаслиги керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ноябрь сессиясида кўрсатилган ҳато ва камчиликларни тугатиш бўйича вилоят ҳокимлиги қошида махсус ишчи гуруҳи тузилган. Гуруҳ аъзолари шаҳар ва туманлардаги вазиятни бирма бир ўрганиб, муаммоларни жойида ҳал этиш учун амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Бугун вилоят ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида фикр юритиш, илк хулосалар чиқариш мумкинми? Мумкин ва зарур. Зарурлиги шундаки, янги раҳбарлар ўз вазифаларига нечоғлик масъулият билан ёндашаётганликларини халқ кўрсин, сезсин. Раҳбар ҳам ўз хатосини англасин!

Вилоятдаги 216 та саноат корхонасидан 71 тасида 1998 йилда аввалги йилдагидан 1,7 миллиард сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилган эди. Биргина Самарқанд шаҳрида бу етишмовчилик 1 миллиард сўмликни ташкил этди. Шу боис ташқи савдода импорт улуши экспортга нисбатан 31 миллион доллар кўп бўлди.

Янги 1999 йилнинг ўтган икки ойи давомида эса саноатда ўсиш ҳажми 49,5 фоизга кўпайди. Ишни буюртмалар портфелига қараб ташкил этиш туфайли ички ва ташқи бозорга маҳсулот етказиш сезиларли даражада ортди. Биргина янги қурилган «БелСамгилам» — Ўзбекистон-Бельгия қўшма корхонаси янги йилнинг икки ойида 309 миллион сўмлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Тез кунда ишга туширилиши мўлжалланаётган «СамКочавто» — Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида эса йилига 3 мингта замонавий автобус тайёрланади. У вилоят иқтисодиётига 24,5 миллион доллар инвестиция олиб келди. Умуман вилоят иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш орқали саноатни юксалтириш, машинасозлик, озиқ-овқат корхоналарини қуриш, янги технологияларни ўзлаштиришга ислоҳотларнинг муҳим қирраси деб қаралмоқда. Бу борада изланувчанлик хислатларини намойиш этиб, жаҳон бозорига чиқиш учун муносиб рақобатлашаётган «ЎзБАТ», «Самарқанд-Прага», «Пируз-Лорг», «Уздунробита», «Зарафшон-Калифорния», «Охалик-Ломан» қўшма корхоналари, «Парвина» ишлаб чиқариш-тижорат компанияси фаолияти эътиборга лойиқ.

Вилоят қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар алоҳида эътиборни талаб этмоқда. Чунки тармоқ ишлаб чиқариши ғоятда кўп қиррали ва мулкчиликнинг турли шаклларини ўз ичига олган.

Ўтган йили Самарқандликлар давлатга пахта сотиш режасини мамлакатда биринчи бўлиб уддаладилар. Бу халқнинг қийин ва шарафли меҳнати самараси. Пахтачиликда адолатли ҳисоб-китобларни таъминлаш, айниқса пайчилик афзалликларига суяниш шундай натижага эришиш имкониятини берди. Пайчилик усулида ишлаётган Нарпай туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигида рентабеллик 20,7 фоизни, даромад 88 миллион 78 минг сўмни, Пахтачи туманидаги «Оқтепа» жамоа хўжалигида эса рентабеллик 14 фоизни, даромад 97 миллион сўмни, Жомбой туманидаги «Жомбой» пайчилик хўжалигида эса рентабеллик 12 фоиз, даромад 141 миллион сўмликни ташкил этди.

Илғор тажрибалардан келиб чиққан ҳолда бу йилдан эътиборан вилоятдаги яна 96 та хўжалик пай усулида ишлашга ўтказилди.

Бироқ вилоят қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар кутилган самарани бериши учун ҳали жуда кўп тажрибалар қўлланилиши керак. Биринчи галда қишлоқ хўжалигидаги ортиқча кучларни янги соҳаларга йўналтириш учун 200 мингта қўшимча ўринлари яратилиши лозим. Ҳозир бу вазифани босқичма-босқич амалга ошириш учун зарур таклифлар ишлаб чиқилаяпти. Ҳар бир туман ҳокимига, корхона, хўжалик раҳбарига боқимандаликдан қутулиб, рентабелликни таъминлаш ҳақида қатъий талаб қўймоқда.

Вилоят Кенгашининг ноябрь сессиясида халқнинг турмуш даражасини белгилайдиган ижтимоий соҳаларга эътибор сусайтириб қўйилгани танқид қилинган эди. Дарвоқе, вилоятдаги 25 та мактаб авария ҳолатида эканлиги, юзлаб болалар боғчалари ёпиб қўйилгани, маиший хизмат шохобчалари номигагина очиб қўйилгани билан муроса қилиш қийин.

Шу боис бугун ижтимоий соҳаларни маблағ билан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоралари кўрилмоқда. Шу кунгача авария ҳолатидаги мактабларнинг 4 таси янги биноларга кўчирилди. Вилоят халқ таълими бошқармасининг раҳбари Анвар Бекмуродовнинг ишонч билан таъкидлашича, авария ҳолатида қолган мактаблар ҳам тугатилиб, 1 сентябрда машғулотлар янги синфхоналарда ўтади.

Аслини олганда, Самарқанд мамлакатда ўз салоҳиятига, нуфузига, обрў-эътиборига эга вилоят. Уни янада обод, серфайз қилишга иштиёқманд, серғайрат, соғлом фикрли кишилар бисёр. Уларнинг саъй-ҳаракатлари бугунги ўзгаришларда ўз ифодасини топмоқда. Ҳозир вилоят туманларидан Самарқанд шаҳрига олиб келадиган барча йўллар ва улар атрофидаги иншоотлар тартибга келтирилаяпти. Шаҳарда 5 минг кишига мўлжалланган амфитеатр шаклидаги «Наврўз» сайлгоҳи баҳор байрамида фойдаланишга топширилади. Қадимий Сиёб бозорини кенгайтириш мақсадида катта ҳажмдаги қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Самарқандда яхши ишлар билан бирга кашф этилмаган имкониятлар кўп. Туризмни ривожлантириш, уни жаҳон андозаларига мос тарзда қайта қуриш ана шулардан бири. Ҳозир вилоят ҳокимлиги туризмдан манфаатдор бўлган корхона-ташкилотлар куч-ғайратини битта мақсад атрофида бирлаштирмоқда. Сайёҳлик хизматини яхшилаш мақсадида шаҳарга кираверишда Чўпонота тепалигида янги муҳташам автокомпания, йўл ёқаларида кўплаб чиройли қаҳвахона ва тўхташ жойлари қурилмоқда. Меҳмонхоналар тармоғи кенгайтирилмоқда. Ахир Регистон ёдгорликларини қўятуринг, биргина Имом ал-Бухорий масжид-мақбарасини зиёрат қилиш учун олис-яқиндан ҳар куни неча минглаб сайёҳлар ташриф буюришмоқда. Шуни назарда тутиб, Бухорий зиёратгоҳи жойлашган Хартанг қишлоғига Жомбой томонидан олиб бориладиган янги йўл ҳам жадал қурилмоқда.

Ижтимоий адолат ҳамиша раҳбар фаолиятининг марказида бўлиши керак. Самарқанд шаҳрининг Охунбобоев кўчасидаги 56-уйида истиқомат қиладиган биринчи гуруҳ ногирони Истам Ҳожимамедовнинг адолат истаб ёзган шикоятларига турли идоралар раҳбарлари пинакларини бузмай келишаётганди. Улардан айримлари ҳатто кўзи ожиз Ҳожимамедовни тинимсиз ёзишмалари учун «ғаламис»га чиқариб қўйишганди. Нега?

Гап шундаки, шаҳардаги қурилиш, ободонлаштириш идоралари Охунбобоев кўчасини таъмирлаб, кенгайтириш пайтида ногироннинг пастқамликда қолган уйини сувга бўктиришган. Натижада шусиз ҳам эски хароба уй авария ҳолатига тушиб, яшаш учун хавфли бўлиб қолди. Жабрдийданинг янги уй сўраб қилган мурожаатларига на айбдор ташкилотлардан ва на шаҳар ҳокимлигидан тайинли жавоб ололмадик.

Энди уйсиз, жойсиз фарзандлари билан кўчада қолган кишининг руҳиятини, нега унинг «ноқулай» одамга айланиб қолганини тасаввур қилаверинг.

Ниҳоят ногироннинг беш йиллик аччиқ саргузаштларига хотима қўйилди. Ҳожимамедовнинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланиб, унга шаҳарнинг Проектная кўчасидан уч хонали янги уй ажратиб берилди. Муаммони ҳал этиш баробарида вилоят ҳокими бошқарув ва маъмурий идораларининг жойларда фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлашлари қандай натижалар бераётганлигини шахсан ўрганиб тегишли хулосалар чиқарилмоқда.

Демак, халқ вилоят ҳаётини соғломлаштириш, ижтимоий адолатни қарор топтириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар давомийлигини сезиб, чин дилдан қўллаб-қувватлаб турибди. Ноябрь сессиясида муҳтарам Президентимиз Самарқандда йўл қўйилган хатолар, таъмагирлик, кибру ҳаво, адолатсизликлар, маънавий қашшоқликлар — ҳуқуқни билмаслик таъсирида юзага келганлигини очиқ танқид қилган эдилар. Хусусан, сессияда вилоятда жиноятчиликнинг аҳволидан чуқур ташвиш билдирилган, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари ходимларининг ўзбошимчаликлари қаттиқ қораланган эди. Бугунчи?

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда жиноятчиликка қарши кураш борасидаги қатъий саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Шу туфайли сессиядан сўнг ўтган қисқа вақтда вилоятда ўта оғир жиноятлар сони сезиларли даражада камайди. Босқинчилик, номусга тегиш, мансабдор шахсларнинг жиноятга қўл уриш ҳоллари ва иқтисодий соҳадаги жиноятчилик фактлари аввалги йилнинг шу даврига нисбатан анча қисқарди. Содир этилган жиноятларни фош этиш ҳоллари эса кўпайди. Вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишлар ҳали қониқарли эмас. Ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятида тезкорлик, изчиллик етишмаяпти. Бироқ маълумот тариқасида шуни айтиш лозимки, прокуратура, ички ишлар бошқармаси, божхона идорасига янги раҳбарлар келди. Улар вазиятни ҳар томонлама ўрганиб, тезда зарур хулоса чиқаришларига ишониш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз пойтахти — Тошкентда бўлиб ўтган февраль воқеалари Самарқандликлар қалбида ўз акс садосини берди. Минглаб меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда, мактаб ва олий ўқув юртларида бўлиб ўтган митингларда халқ қўпорувчилик ҳаракатини қоралаб, Президентимизнинг сиёсатини, истиқлол ғояларини онгли равишда қўллаб-қувватлашни билдирди.

Самарқанддаги барқарорликни бу кўҳна шаҳарга дунёнинг турли минтақаларидан сайёҳлар оқими камаймаганлигидан ҳам сезиш мумкин. Вилоят иқтисодиётига чет эл сармояларини жалб этиш бўйича янги-янги таклифлар тушмоқда. Банклар фаолияти мустаҳкамланмоқда. Саноат ривожланмоқда. Қурилиш ташкилотлари янги буюртмалар олишмоқда. Муҳими, давлат бошқарув идоралари билан фуқаролар ўртасида ижтимоий адолат тамойиллари қайтадан тикланмоқда. Зотан, адолат қўрғони қанчалик мустаҳкам бўлса халқнинг унга нисбатан ишончи шунчалик ортади.

**Тўхтамурод ТОШЕВ,**
**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**«Адолат»нинг махсус мухбирлари.**

# ИЙМОНИ БУТ АДАШМАЙДИ

(Боши 1-бетда).

олган партиялар бўлса, уларнинг асли негизи исломдан эмас. Аксинча исломга қарши бўлган ғайриларнинг мусулмонларни жипслашишдан ажратиб, пароканда этишга қаратилган ишидир. Ваҳоланки Оллоҳ ўзининг каломи бўлмиш Қуръони каримнинг Бақара сурасида «Эй мусулмонлар, Оллоҳнинг дини соясида бирлашингизлар ва пароканда бўлмангизлар!» деб буюрган. Ушбу ояти карима мусулмонларни фирқаларга бўлиниб кетмасликка, доимо ҳамжиҳат бўлиб яшашликка чақиради.

**МУХБИР: — Мусулмонлар учун Оллоҳнинг каломи Қуръон ва Расулуллоҳнинг ҳадислари асосий дастур. Шундай экан исломий дейилаётган фирқаларнинг дастурлари қанақа?**

**Фозил қори СОБИРОВ:** — Умуман Ислом динида исломий партиялар тузилишини тасаввур қилиб бўлмайди. Негаки ҳар қандай киши Оллоҳга ва унинг Расулига иймон келтириши билан мусулмон бўлади ва мусулмонлар қаторидан жой олади. Бунинг учун у яна қандайдир исломий деб даъво қилинаётган партияларга аъзо бўлиши, унинг олдида қасам ичиши шарт қилинмаган. Аксинча бундай йўл тутиш ислом таълимотига зиддир.

Энди фирқаларнинг аҳли мусулмонларни пароканда қилишига келсак бу ҳам бор гап. Негаки исломий деб даъво қилинаётган партияларнинг асли муддаолари динни қурол қилиб олиб ҳокимиятни эгаллаш бўлса ҳам, бунинг учун кураш йўлларида зиддиятлар бор. Улар бир-бирларини ана шу зиддиятлар асосида танқид қилиб, аъзолари бўлмиш одамларни бир-бирига қарши қилиб қўядилар. Масалан «Исломий уйғониш» партияси дастурида ўз ислом давлатларини сайлов, референдум, музокаралар орқали юзага келтирмоқчи бўладилар. «Хизбут таҳрир» партияси эса халифалик давлатини тиклаш учун аъзоларига қанчалик тазйиқ бўлса ҳам чекинмаслик, фаолиятни асло сусайтирмаслик, бу ҳақда қасам ичиш мажбуриятини юклайди. Ҳокимият учун курашдаги бу усулий хилма-хиллик уларнинг бир-бирларини танқид қилишлари ва қарама-қаршиликларига асос бўлади.

**МУХБИР: — Ўша «Исломийликни даъво қилаётган партияларнинг сони қанча? Улар ўз мамлакатларида ошкора ишлайдиларми ё хуфёна?**

**Фозил қори СОБИРОВ:** — Уларнинг уруғи йилдан йилга кўпайиб кетяпти. Бизнинг юртимизга кириб келишга уринаётганлари «Хизбут-таҳрир», «Ҳамас», «Ихвонул — муслимин», «Жундуллоҳ», «Исломий уйғониш», «Ҳизбуллоҳ»лардир. Бу партияларни юзага келтириш боя таъкидлаганимдек, ғайриларнинг иши. Улар исломи динини обрўсизлантириш, уни ичидан парчалаш ниятида шундай қилмоқдалар. Ҳатто зарур пайтларда хуфёна равишда маблағ билан ҳам таъминлаб турибдилар.

Исломийликни даъво қилаётган фирқаларнинг ҳаммаси ҳам хуфёна тарзда фаолият юритади. Уларнинг ошкора ишлашларига бирорта ҳам мусулмон давлати рухсат бермаётир. Аксинча қилган жиноятлари, қўпорувчилиги, терророри учун раҳбарларини қамоққа олиш, ҳатто ўлимга маҳкум этиш ҳоллари кўп бор қайд этилган.

**МУХБИР: — Шу хил яширинча ишловчи исломий дейилаётган фирқалар билан «Ислом экстремизми» деган тушунчанинг ўзаро боғлиқлик томони борми?**

**Фозил қори СОБИРОВ:** — Фикримча, ғайрилар ислом динидек покиза, беғубору беозор динни дунё аҳлига жангари, қўпол ва ваҳший қилиб кўрсатиш учун шунақа партияларнинг тузилишига эришмоқдалар. Ўзлари шу партияларни турли террорлару, қўпорувларга, инсон қони тўкилишига сабаб бўлувчи ҳаракатларга ундаб қўйиб, кейин томошасини кўрмоқдалар. Ҳатто уларни дастак қилиб «Ислом экстремистларию фундаменталистлари» хавфу хатари хусусида бутун оламга жар солмоқдалар.

Аслида ўтган улуғ боболаримиз, авлиёю анбиёларимиз, диний олимларимиз ислом динини бутун оламга энг гўзал, беозор, маданиятли қилиб кўрсатишган эди. Бу не фожеаким диний партиялар ўз фаолиятларидаги қўпорувчиликлар, портлатишлар билан асрлар оша инсониятни жиноятдан қайтариб, эзгу амалларга даъват этган динимизни обрўсизлантиришга, аҳли ислом онгини заҳарлашга ҳаракат қилишмоқда.

**МУХБИР: — Бунақа партиялардан лоақал бир-иккитаси ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.**

**Фозил қори СОБИРОВ:** — «Хизбут-таҳрир» партияси 1953 йилда Ливанда ташкил топган. Унинг асосчиси 1909 йили таваллуд топган фаластинлик Тақийюддин Набхоний бўлиб, у Қоҳирадаги «Ал-Азҳар» университетида таҳсил олган. Тақийюддин тузган партиясига ўзи раҳбарлик қилади ва 1979 йилда вафот этади. Шундан кейин бу партияга раҳбарлик қилиш Фаластиннинг Халил шаҳрида туғилган Абдулқадим Зуллум қўлига ўтади.

«Хизбут-таҳрир»чининг асосий мақсади Ислом дини ниқоби остида ҳукмронликни қўлга киритиш, халифалик деб аталган давлат барпо этиб, инсониятни ўзлари чиқарган низом ва қонунларга итоат қилдиришдир.

Бу партиянинг аъзолари ўз ғояларига етиш учун кишиларнинг онгида ўз партиялари ҳақида тушунча уйғотишга ҳаракат қиладилар. Улар ҳар бир шахснинг фикрлаш доирасига қараб, «Хизбут-таҳрир»нинг йўлидан юришга даъват қиладилар. Бу мақсадларига етиш учун эса ҳаётда содир бўлаётган кундалик воқеалардан мисоллар келтирадилар. Бу воқеаларга сабаб бўладиган нарсалар тўғрисида ўз хулосаларини баён қиладилар.

«Хизбут-таҳрирч»илар кишилар онгини забт этиш учун энг осон йўл даъват деб биладилар, ўз ғояларини халқ орасида ёйиш учун хизбга даъват қилишни энг биринчи амаллардан деб биладилар. Даъват ишларига эса кўпроқ ёшларни жалб қиладилар. Ўз режаларидаги давлатларини исломий давлат деб ҳисоблайдилар. Бироқ аслида ўз партияларининг обрў-эътиборини ошириш, давлатга раҳбарликни қўлга олишдек бош мақсадларига етишиш учун доимо исломий даъватларини ниқоб қиладилар.

«Хизбут-таҳрир»нинг расмий фаолият кўрсатиши араб давлатларида таъқиқланган. Ушбу партиянинг Иорданиядаги масъули шайх Аҳмад ад-Даур 1969 йили ҳукуматни эгаллашда айбланиб қатл этилган. Шунингдек, шу партиянинг 32 аъзоси Миср Араб Республикасида судланганлиги ҳам маълум.

«Хизбут-таҳрир тушунчалари» деб номланган китобларининг 3-бетида мусулмонлар «Намоз, рўза, никоҳ, талоқ аҳкомларини ўрганиб, жиҳод ўлжалар, халифалик, қазо-ажрим ишлари, хирож ва шу каби масалаларга тааллуқли аҳкомларни ўрганишга эътибор бермай қўйдилар», дейилади. «Мусулмонларнинг ҳозирги пайтда фақат ибодат, рўза тутиш кабилар билан шуғулланиб қолганлари, жиҳод қилиш, давлатни эгаллаб, уни бошқарадиган халифа сайлаш тўғрисида ўйламай қўйганлар»и танқид остига олинади. Улар бир варақаларида ҳатто «Эй азиз биродарлар! Модомики, биз исломий ҳаётни қайтадан бошлаш учун ҳаракат қилар эканмиз бунинг йўлида ҳар қандай машаққатларга сабр-тоқатлик бўлайлик ва муаммони ҳаёт ва мамот билан ўлчашимиз керак. Яъни ёки исломий ҳаётда яшаймиз, ёки уни барпо қилиш йўлида жонимизни фидо қиламиз», деб ҳитоб қиладилар.

Худди шунақа исломийликни даъво қилаётган партиялардан яна бири «Ихвонул муслимин»дир. Унинг асосчиси Сайид Қутб. У мавжуд давлат тузимига қарши ҳаракатлар қилгани учун қамоққа олинган ва ўша ерда ўлган.

Сайид Қутбнинг бу партиясининг ҳам асосий мақсади ер юзида ягона халифалик давлатини тиклаш. Шиори «Бир жасадга бир ўлим!». Шундай экан беҳуда ўлмай партиянинг топшириғини бажариш учун ўл, шунда шаҳид бўласан, дейишади улар. Бу фирқа аъзолари керак бўлса ўзини ўзи портлатишга ҳам тайёр...

Қуръонда эса одамнинг ўз жонига қасд қилишини иймоннинг кетишидан далолат, дейилади. Ўзини ўзи ўлдирганларга биз Имоми Аъзам маҳзабидаги мусулмонлар ҳатто жаноза ҳам ўқимаймиз...

**МУХБИР: — Энди агар иложи бўлса бу хил партияларнинг гумашталари бизнинг юртимизда тарқатаётган китоб, журнал ва варақалари хусусида ҳам гапириб берсангиз.**

**Фозил қори СОБИРОВ:** — «Хизбут-таҳрир» ўзининг 1989 йилдан чиқа бошлаган «Ал-ваъй» (онг) журналини тарқатишга уринмоқда. Бу журнал ойига бир марта чиқади. Жами 140 сони чоп этилган. Унинг асосий мақсади мусулмон оламида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни баён қилиш, халифалик тўғрисида маълумотлар ва ислом аҳкомлари билан ягона халифалик давлатини тиклашга инсонларни даъват этишдан иборат.

Журналнинг 138- (1-адади) ва 140- (3-адади) сонларида ҳатто бутун жаҳондаги мавжуд давлатларнинг Низом ва қонунлари «Куфр низоми» деб қораланади.

Тақийюддин Набҳонийнинг «Ислом Низоми» китобининг нашр қилинган жойи номаълум, 175 бетли ўзбек тилига ағдарилган бу китобнинг асосий мавзуси инсоният ҳаётида содир бўлаётган ҳар бир воқеага чуқур назар солиш, ундан хулоса чиқариш, одамларни бу воқеа-ҳодисалар олдида ожиз ва нотавон эканлиги хусусида.

Инсоннинг баркамол бўлиши учун «Хизбут-таҳрир» ишлаб чиққан қонун қоидаларга суяниб иш олиб боришлари керак деб даъво қилинади. Китобнинг 119-бетидан то 161-бетига қадар дастур лойиҳаси жойлашган. Т. Набхонийнинг яна бир асари «Халифалик» 54 бетдан иборат. Унда «Халифани сайлаш», «Халифа бўлиш шартлари», «Халифалик тузумининг бошқа тузумлардан афзалликлари» ва бошқа шунга ўхшаш мавзулар қамраб олинган. Китоб Ислом дини фақат халифалик давлати билангина тўла шаклланади ва халифалик бўлмаган жойларда ислом динига итоат қилинмайди деган ғояни олдинга суради. Мазкур китобнинг 6-бетида эса «Мусулмонлар учун халифа сайлаш ишини бажармаслик катта гуноҳдир. Чунки бу иш исломнинг энг муҳим фарзларидан бирини бажармасликдир» дейишгача борилади.

Худди шу муаллифнинг «Ислом низоми» китобининг ҳам асосий мазмуни ислом давлатини тузиш, бўлажак давлатнинг дастур ва қонунини зикр қилишдан иборат. Унда «шаърий аҳкомларнинг турлари», «Суннат» каби мавзуларга ҳам кенг ўрин берилган бўлиб, асосан халифалик тўғрисида сўз юритилади. Унда очиқдан очиқ «Ислом давлатисиз... Ислом ҳаётини қайтадан бошлашга йўл йўқ», дейилади.

Абдулқадим Зуллум қаламига мансуб «Халифалик қандай тугатилган» китобида эса халифаликни яна тиклаш ҳақида гап кетади. Масалан, унинг 194-бетида «Халифаликни барпо қилиш ва Оллоҳ нозил қилган ҳукмлар билан ҳукм киритиш мусулмонларнинг тақдирини ҳал қилувчи масаладир», 195-бетида «Исломий мамлакатларни Ислом диёрига айлантириш ва уни барча мамлакатлар билан бирлаштириш масаласини амалга ошириш учун ҳаётга тадбиқ этиш керак бўлган ғоядир. Ушбу мақсадни амалга ошириш тариқати эса халифаликни яна мавжуд қилишдир», дейилади.

«Иззат ва шараф сари» деб номланган китоб ҳам «Хизбут таҳрир» партияси ғояларини баён қилувчи материаллар билан тўлиб тошган. Унда зикр қилинган асосий мавзу ҳам Ислом динини ниқоб этиб, халифалик давлатини тиклаш, бутун оламга ислом аҳкомларини ёйиш ва ягона давлат тузишга даъватдан иборатдир. Буни китобдаги «Мусулмонларнинг исломни ёйиш олдидаги масъулиятлари» (19-бет), «Мусулмонларнинг халифаликни тиклаш олдидаги вазифалари» (37-бет), «Мусулмонларнинг Ислом тузумини тадбиқ қилиш олдидаги масъулиятлари» (43-бет), «Мусулмонларнинг жиҳод олдидаги масъулиятлари» (65-бет), «Ҳукмдорларнинг бажариши лозим бўлган муҳим масъулиятлари» (43-бет), «Давлат тузиш йўли» (92-бет), «Давлатни сақлаб қолиш ва давлатли бўлиш кафолатлари» (107-бет) каби мавзулардан ҳам билиб олса бўлади.

Бу хулосани китобнинг 64-бетидаги «... Мусулмонларнинг мамлакатларини бирлаштиришга ва битта халифа сайлашга уриниш қўлидан иш келадиган ҳар бир мусулмонга вожибдир», 152-бетдаги «Мусулмонларда инқилоб ясаш учун ҳаракат қилишдан бошқа йўл йўқ. Чунки инқилоб ясаш учун ҳаракат қилмай туриб бу аччиқ, бузуқ воқеадан чиқиш амри маҳолдир» деган сўзлардан ҳам аниқ билиш мумкин.

Шунингдек, бу фикрни мазкур китобдаги «мусулмонлар учун битта халифа сайлашга ҳаракат қилмаслик гуноҳи кабира (катта гуноҳ)лардандир. Чунки бу нарса Исломнинг энг муҳим фарзларидан бирини бажаришдан тийилишдир» (40-бет), «Даъватни олиб бораётган гуруҳ ёки хизб сиёсий бўлиб, фикрий ва сиёсий кураш билан уммат орқали ҳокимиятни қўлга олиш учун ҳаракат қилмоғи керак» (33-бет) деган сўзлар ҳам очиқ-ойдин мустаҳкамлаб туради. «Фатҳий Яконнинг «Ҳақиқатлар қаршисидаги тухматлар» брошюраси, «Сабр» каби брошюралар ва турли варақалар ҳам ўзбек тилига таржима қилиниб тарқатилмоқда.

Кўриниб турибдики, моҳиятан ноисломий бу партияларнинг асл мақсади юртимиздаги мавжуд давлатни ағдариб ташлаб, ўрнига халифалик давлатини тиклаш ва хориждан туриб уни бошқариш. Улар мазкур ниятларига етиш учун халқимизнинг диний эътиқодидан фойдаланишмоқчи бўладилар. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак мақсадлари динни ниқоб қилиб олиб, Ватанимизга ҳукмронлик қилиш.

**МУХБИР: — Ёшларимизни бунақа ғараз ниятли партияларнинг таъсирига тушиб қолмасликлари учун энг асосий вазифа нима? Сизнингча қандай қилсак ёшларимизни уларнинг чангалига тушиб қолмаслигига эришамиз.**

**Фозил қори СОБИРОВ:** — Бир нотиқ «ўқимаганлар олдида ғоят яхши гапираману, лекин улар орасида бир-иккитагина бўлса ҳам билимдон одам бўлса тутилиб қоламан, тилим калимага келмай қолади» деган экан. Дарҳақиқат шундай. Дарахтнинг бўшини қурт ейди, деганларидек ёшларимиз қанчалик ўқувсиз бўлсалар улар бунақа хорижий қўпорувчи партияларнинг тузоғига тез илинадилар. Шундай бўлмаслиги учун ўзини мусулмон деган фарзандларимизнинг диний ва дунёвий билимларини мустаҳкамлашимиз керак. Шунда улар ҳақиқий ислом дини нима эканлигини англаб, дин ниқобида иш юритувчиларнинг домига илинмайдилар.

Исломий илм ҳеч муболағасиз бизнинг ўз юртимизда ривож топган. Бу имом ал-Бухорий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, имом Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Замахшарий каби шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом олами чексиз ҳурмат билан тилга оладиган бобокалонларимизнинг бой илмий мерослари мисолида ҳам ўз тасдиғини топади. Шундай экан уларнинг исломий меросларидан ёшларимизни баҳраманд этиш, уларни Оллоҳнинг каломи ва Пайғамбаримиз (с. а. в.)нинг ҳадислари асосида яшашга ўргатиш имом-хатибларимиз, исломий ва дунёвий илм соҳиблари бўлмиш олимларнинг қутлуғ бурчлари бўлиши керак. Фарзандларимиз қанчалик билимдон бўлса, шунчалик мустақил фикрлайдиган, бировлар қаёққа етакласа кетавермайдиган бўладилар.

Оллоҳга шукурларки, юртимиз мустақилликка эришиб, ўз тараққиёт йўлини белгилаб олди. Узоқни кўриб ишлайдиган донишманд Президент раҳбарлигида кундан-кунга ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқда. Ватанимиз қадам-бақадам гуллаб-яшнамоқда. Бундан дўстларимизнинг бошлари осмонда. Аммо ғанимларимизнинг кўролмай, жазавага тушаётганлари ҳам бор гап.

Улар дунёда Ўзбекистон деб ном олган яна бир ривожланган буюк давлат юзага келишига тоқат қилолмаяптилар. Шундай экан келинглар, азизлар, ҳамиша хушёр ва сезгир бўлиб яшайлик. Атрофимизда рўй бераётган ҳар бир воқеа-ҳодисадан огоҳ бўлайлик. Зеро халқимиз ўзинггга маҳкам бўл, қўшнингни ўғри тутма, деб бежиз айтмаган-ку.

**МУХБИР: — Сермазмун суҳбатингиз учун раҳмат тақсир. Шу билан бугунги суҳбатимизга нуқта қўйсак-да, халқимиз ҳаққига бир дуо қилмоғингизни сўрасак.**

**Фозил қори СОБИРОВ:** — Халқимизга Оллоҳнинг энг улуғ неъматларидан бири — тинчлигу осойишталикни тилайман. Оллоҳдан ҳаммалари соғ-саломат бўлиб, хайрли ишлардан адашмасликларини, қалбларига иймон, ақлларига илм-заковат сўрайман. Ҳаммамизнинг севимли Ватанимиз бўлган Ўзбекистонимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан яратганнинг ўзи асрасин. Юртимиз обод, халқимиз фаровон бўлаверсин, дейман. Омин!

**Суҳбатдош: Ҳақберди РАҲМОНҚУЛОВ.**

